



Analysis of the historical sources of the Amu Darya and Aral waterways

Salamat SULAYMANOV ¹

Karakalpak State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received July 2022
Received in revised form
20 July 2022
Accepted 25 August 2022
Available online
15 September 2022

Keywords:

Amudarya, Aral Sea, Arabian
travelers, Russian
expeditions, funds of
Archive.

ABSTRACT

This scientific article is devoted to studying historical source of the Amudarya and the Aral Sea, given their importance in the history of transport communications in the region. The scientific article focuses on history of studying the Amu Darya and the Aral Sea, based on the oldest written sources, works of foreign countries, local scientists and archival materials.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss8/S-pp285-289>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Амударё ва Орол сув йўли тарихи манбашунослиги таҳлили

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

Амударё, Орол денгизи,
араб сайёҳлари, рус
экспедициялари, архив
фондлари

Бу илмий мақола Амударё ва Орол денгизи ҳудуднинг транспорт коммуникацияси тарихидаги аҳамиятини инobatга олган ҳолда уларнинг тарихи манбашунослигини ўрганишга бағишланган. мақолада Амударё ва Орол денгизининг энг қадимги ёзма манбалар, хорижий давлатларнинг, маҳаллий олимларнинг асарларига ҳамда архив фондлари материалларига таянган ҳолда ўрганилиш тарихига тўхталиб ўтилган.

¹ Candidate of History, Associate Professor, Karakalpak State University, Nukus, Uzbekistan
E-mail: s_salamat@karsu.uz

Анализ исторических источников Амударьинского и Аральского водных путей

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

Амударья, Аральское море, арабские путешественники, русские экспедиции, фонды архива

Данная научная статья посвящена источниковедению Амударьи и Аральского моря, учитывая их значение в истории транспортных коммуникаций региона. В научной статье основное внимание уделяется истории изучения Амударьи и Аральского моря на основе древнейших письменных источников, трудов учёных зарубежных стран, отечественных ученых и архивных материалов.

Мавзуга доир манбалар катта ҳажмга эга бўлиб, уларнинг ички ва ташқи таҳлили муаммонинг ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Орол денгизи ҳақидаги дастлабки ёзма маълумотлар зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да учрайди. Олимлар «Авесто»да сув ва ҳосилдорлик худоси Ардивига бағишланган шеърда келтирилган Вурукша денгизи ва унга қўйиладиган Арьянам ҳақида маълумотларни Орол денгизи ва Амударё билан боғлайдилар.

Антик давр тарихчиси Клавдий Птоломей ҳам Орол денгизи ҳақида маълумотлар ёзиб қолдирган. У Сўғд тоғларидан оқиб, Каспий денгизига қўйиладиган Окс билан Яксарт дельтасининг оралиғидаги Оксиан кўлини қайд этиб ўтган. Кўл унинг харитасида ҳам кўрсатилган [1]. Ёки “Алмагест” (“Буюк қурилиш”) номли асарида ер шарининг 27 та бўлимдан иборат харитасини тузганлиги айтилади. Унинг 22-харитасида ҳозирги Орол билан Каспий денгизи тасвирланган. Зарафшон ва Амударёнинг (Оксус) Каспий денгизига қўйилиб турганлиги кўрсатилган.

Византия элчиси Земарх Килийский Турк ҳоқонлигига сафарида «Кўлнинг қумли соҳиллари билан 12 кун давомида юриб ўтганлиги»ни ёзган. В.Бартольд ушбу маълумотни Орол денгизи бўлиши мумкин деб башорат қилади [2].

Орол денгизи ҳақида IX ва X асрларда яшаб ўтган араб саёҳатчи олимлари Ибн Хордадбек, Ибн Русте, Маъсуди, Истахри, Ибн Хавкалнинг келтирган маълумотлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улардан шу вақтдаги Орол денгизининг ҳажми билан соҳилларининг тузилиши ҳақида маълумот олиш мумкин. Ибн Хордадбек «Китаби-ал-масаллиқ вал мамлик» (Саёҳатлар билан давлатлар китоби) номли асарида Амударёни Жайхун, Орол денгизини Курдер кўли деб атади. Ибн-Рустенинг Амударё билан Орол денгизи ҳақида ёзганлари ғоятда ноёб бўлиб, унинг маълумотлари бўйича Орол денгизининг ҳажми 80 фарсах бўлиб, денгизнинг ғарбий соҳилларидаги ороллар Сиякун (қора тоғлар) деб аталади. Ўнг соҳили ботқоқ бўлиб, унда қалин ўрмон ўсган [5].

X асрда яшаган номаълум муаллифнинг форс тилида ёзган «Худуд ал «Олам» (Шарқдан Ғарбгача олам вилоятлари) номли қўлёзмасида ҳам Орол денгизининг ҳажми 300 фарсахга тенг келиши, яна соҳилларининг қумли экани ёзилган. Шарқнинг буюк мутафаккирларидан бири Ал-Беруний шу замондаги араб географларининг тўплаган маълумотларига қараб, Орол денгизи билан унинг ёнидаги худуднинг жуда тўлиқ сифатини берган. Унинг чизган харитасида Орол денгизи Хоразм деган ном билан акс эттирилади.

Шимолий Хоразмда балиқчилик касбининг катта ўрин тутганлиги ҳақида IX-XI асрларда яшаган араб географларидан бири Ибн-Русте дельтаннинг шимолий қисмидаги Халижан деб номланадиган жой тўғрисида «У ерда балиқчилар қишлоғи бўлиб, улар лой билан қамишдан ишланган ертўлаларда туради, балиқ овлашда шу қамишдан фойдаланади ва уни Хоразм шаҳарларига сотувга чиқаради»-деб маълумот берган [4].

Таъкидлаш лозимки, Орол денгизини ҳар томонлама ўрганиш ва географик жиҳатдан батафсил тадқиқотлар олиб бориш XVI асрдан сўнг бошланди. XVII асрда яшаган Хива хони Абулғози Боҳадурхон ўз асарларида Орол денгизи ҳақида маълумотлар бериб ўтган. У Амударёнинг XVI аср охиригача Каспий денгизига қуйилганлиги ҳақида ёзиб қолдирган. Шунингдек, Орол денгизи ҳақида 1627 йили ишлаб чиқилган Москва давлатининг харитасидан ҳам маълумот олиш мумкин. Унда Орол «Кўк денгиз» деган ном билан берилган.

1592 йилларгача «Барсакелмес» оролининг ғарбий томони қуруқликдан ажралган ҳолда бўлган. XVI асрнинг охири - XVII асрнинг бошларида денгиз суви тармоғининг пасайиши билан боғлиқ «Барсакелмес», «Қасқа қулан», «Көз жетпес» «Уялы», «Бектаў», «Возрождения» каби денгизли ороллар пайдо бўлган. Орол денгизини саёҳатчилар ҳар асрда харитага тушириб келган. Хусусан, 1658 йили А.Дженкинсон, 1664 йили голландиялик Николай Витсен, 1723 йили Далилия, 1734 йили Крилов, 1741 йили Муравин, 1834 йили Левшин ва бошқалар шулар жумласидандир [6].

1696 йили Россия ҳукумати Қозоғистон ерларининг географик харитасини тузиш шартини қўяди. Бу иш Тоболь ходими С.У.Ремезовга топширилди. Натижада Ремезов икки хил харита тайёрлаб, иккала харитада ҳам Орол денгизи ўрин олган эди.

XVIII асрдан бошлаб, Россия империяси Ўрта Осиё ва Қозоғистон ерларини ўрганиш мақсадида экспедициялар ташкиллаштира бошлади. 1740-1741 йиллари Сирдарё ва Орол бўйларига юборилган И.Муравин бошчилигидаги экспедиция Орол денгизи ҳақидаги маълумотларга бир қанча аниқлик киритиб, Орол денгизининг шарқини харитага туширган. XVIII аср давомида Н.Бичурин [3], Т.С.Бурнашев [8], А.С.Безносиқовлар ўз саёҳатлари давомида денгиз ҳақида қатор маълумотлар берган.

XVIII асрдан бошлаб, Қозоғистон ерига махсус рус экспедициялари келиши билан Орол денгизи ҳақидаги манбалар пайдо бўла бошлайди. Шулардан бири – 1740-1741 йилларда Сирдарё ва Оролга юборилган махсус экспедиция ҳисобланади. Экспедицияда қатнашган Э.Муравин Орол денгизининг рельеф формаларига таъриф бериб ўтган. Иван Муравин биринчи марта Орол денгизининг Шарқ соҳилларидан махсус съёмкаларни олишни ташкиллаштириш билан уларни харитага туширган [9].

Шу вақтда яшаган олим П.И.Рычков (1712-1777) Орол-Каспийнинг гидрогеографик ҳолатига батафсил баҳо берган ва шу денгизда тирикчилик қиладиган балиқларнинг турини аниқлаган. Бу бўйича унинг 1762 йили босмадан чиққан «Оренбург топографияси» номли китоби муҳим аҳамиятга эга.

Жанубий Орол бўйларини ўрганиш мақсадида XVIII-XIX асрларда Хива ҳудудига кўп элчи, саёҳатчилар келиб, хонликдаги аҳвол ҳақида, уларнинг касби, иқтисодий шароити тўғрисида кўплаб маълумотлар йиғишга муваффақ бўлганлар.

Улар орасида Гладышев, Муравин, Рычков, Данилевский, Макшеев, Бутаков, Залесов, Майер, Галкин, Кун, Веселовский алоҳида ўрин тутди.

XVIII асрда Россияда фанларнинг шаклланиши ва ривожланиши, айниқса, Орол бўйларида қадимдан яшаб келаётган қорақалпоқлар ва оролликлар ҳақидаги дастлабки маълумотларнинг тўпланишига имкон берди.

1753 йилда Хива шаҳрига савдогар Данил Рукавкин келади. У Оренбург-Уральск, Сарайчик қўрғони-Устюрт, Қиёт-Хива йўли билан келиб, сўнг Қизилқумнинг шимолий томонидан Сирдарё бўйлаб қайтган. Самара савдогарларининг ҳисоботида Орол, Амударё, Сирдарё, Қуандарё бўйи ерлари, элатлари ҳақида маълумотларни учратиш мумкин. Таъкидлаш лозимки, гарчи ушбу маълумотлар расмий характерга эга бўлмаса-да, улардан Орол денгизи атрофидаги йўллар, жой номлари, йўл маршрутлари тўғрисида қатор маълумотларни олиш мумкин.

XIX асрнинг 20-йилларида Бухорога А.Негри бошчилигидаги элчилар келган. Бу экспедиция Россияда Ўрта Осиё хонлари билан иқтисодий, сиёсий муносабатларнинг кенгая бошлаганини кўрсатади. Элчилар таркибида Х.Пандер, Э.А.Эверсманлар бўлган. 1821 йилнинг баҳорида экспедиция қатнашчилари Россияга қайтиб кетишган. Мазкур жараёнда Э.А.Эверсман Турон, Ўрта Осиё, айниқса, Қувондарё ва Жанадарё тармоқлари ҳақида, Орол денгизи соҳиллари ҳақида муҳим маълумотларни тўплайди [9].

Шунингдек, Э.А.Эверсман ўз тадқиқотларини 1825-1826 йилларда Устюртда Ф.Берг экспедицияси таркибида давом эттирди. Тўпланган маълумотларни Эверсман 1840 йили «Оренбург ўлкасининг табиий тарихи», «Оренбургдан Бухорога саёҳат (1823 й) номли китобларида эълон қилди. Бу асарда Каспий, Орол денгизи, Устюрт, Турон ерларининг географик шароитлари билан бирга этнографик, экологик манбаларни ёзиб қолдирган.

XIX аср 20-30 йилларида (1819-1820 йй.) капитан Николай Муравин бошчилигидаги гуруҳ Амударё тармоғидан Узбой бўйлаб Хивага саёҳатни амалга оширган. Унинг тадқиқотида Туркменистон ва Хива ерларининг ҳолати, суғориш иншоотлари, туркман, ўзбек, қорақалпоқларнинг тарихи, этнографияси, ижтимоий тузуми, қалъалар, хунармандчилик, савдо ҳақида маълумотлар ўрин олган [7]. Шунингдек, Орол бўйи ерлари тарихини ўрганиш мақсадида денгизчи саёҳатчи А.И.Бутаковнинг 1848-1849 йилларда Орол денгизини географик жиҳатдан тадқиқ қилган.

XVIII асрнинг охирида Орол атрофида келган рус тадқиқотчиларининг бири-М.Бекчурин бўлиб (1740-1821йй.), у Оренбургдан Бухорогача ўзи босиб ўтган йўли ва қумларнинг шакллари классификациялашга ҳаракат қилди.

Шу ўринда мавзу юзасидан бошқа манбаларга ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, 1848-1849 йилларда Украиналик маърифатпарвар ва расом Т.Г.Шевченко тарихда илк марта акварел ва қаламлар ёрдамида Орол денгизи, ундаги ороллар ва соҳиллар расмини чизди. Шунингдек, XIX асрнинг 70 йилларидаги қайиқларнинг кўриниши рус расоми Каразиннинг суратлари, хусусан, Амударёда кема судровчиларни ёритган асари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мавзуга доир туркум манбалар асосан Ўзбекистон Миллий архиви фондларида сақланади. Россия империяси даврини акс эттирувчи маълумотлар

1,715-фондлар ҳужжатларида акс этган. Унда Орол флотиясининг ташкил этилиши ва фаолияти билан боғлиқ тарихий факт ва маълумотлар ўрин олган. Собиқ иттифоқ даврида минтақада сув йўллариининг ривожланиши билан соҳанинг таркибий жиҳатдан шаклланиши ҳамда фаолиятига боғлиқ кенг кўламли ҳужжатлар тўпланди. Хусусан, 9-фонднинг қатор йиғма жилдларида Ўрта Осиё ички сув йўллари бошқармасининг 1926-1927 йиллардаги фаолиятига бағишланган маълумотлар акс этган. Шунингдек, айнан мавзу доирасидаги ҳужжатлар эса 244-фондда сақланмоқда.

Архив манбалари ҳақида сўз кетганда Қорақалпоғистон Республикаси Марказий Давлат Архиви фондларини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Унинг 87,88,96, 150,168 ва бошқа жамғармаларида республикадаги сув йўлларида юк ташиш, Чимбой ва Тўрткўл жамиятлари фаолияти билан боғлиқ қимматли ҳужжатлар тўпланган.

Тадқиқот иши доирасида манбаларнинг навбатдаги туркумини матбуот материаллари ташкил этади. Россия империяси даврига тегишли маълумотлар «Туркестанские ведомости» газетаси сонларида эълон қилинган. Унда Орол-Каспий ҳавзасини ўрганишга доир, Орол флотиясининг фаолияти, Амударёда қайиқчиликнинг ривожланиши каби қатор мақолалар муҳим аҳамиятга эга. Таъкидлаш лозимки, 1924 йилдан бошлаб, Қорақалпоғистонда «Советская Каракалпакия» газетаси чоп этила бошланди. Ушбу газетанинг кўплаб сонларида сув йўллари тарихи билан боғлиқ туркум мақолалар ўрин эгаллади. Хусусан, Хўжайли кема таъмирлаш заводи фаолияти, кема капитанлари ҳаётини акс эттирувчи ҳужжатли материаллар, ишчилар касаба уюшмаси томонидан тайёрланган мақолалар эълон қилиб борилган. Умуман олганда тадқиқотнинг манбалари катта ҳажмдаги маълумотларни ўзида акс эттириши билан аҳамиятли бўлиб, уларни қиёсий жиҳатдан таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 1989. Арал тағдыры. Алматы.
2. Бартольд В.В. 1963. Сочинения т. III.
3. Бичурин Н.Я. (Иакинф), 1998. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В трех частях. – Алматы: ТОО “Жалын Баспасы”, Ч. II. – С. 145-348.
4. Гудкова А.В. и Ягодин В.Н., 1961. Археологические исследования по городище Ток кала. Общественные науки Узбекистана. №5 67-71.
5. Гулямов Я., 1959. Хоразмнинг суғорилиш тарихи.
6. Камалов С., 1968. Каракалпаки в XVIII-XIX вв.
7. Мамбетуллаев М., 2011. Туребеков М. Қаракалпақстан тарийхи.
8. Путешествие Т. С. Бурнашева от Сибирской линии до города Бухары в 1794 г. и обратно в 1795 г. Изложено Г. Спасским // Сибирский вестник, 1818.
9. Тилеумуратов М., 1993. Исторические и культурные связи каракалпаков с Россией и Башкирией в XVIII-начале XX вв.